



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 19 сентябрь, пайшанба, 38 (514)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

3 УЧИНЧИ СЕКТОРДА



Ташаббус қўллаб-қувватланмоқда

5 ҚУЙИ БҲҒИН



Дунёни маърифат қутқаради

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХИЗМАТ СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган туб ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқул туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, касалликларнинг олдини олиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Туманда битта тиббиёт бирлашмаси, поликлиника ва тўққизта кишлоқ врачлик пункти аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан олис овуллардаги кишлоқ врачлик пунктларида қирқка яқин кундузги даволаш ўрни ташкил этилиб, уларда 672 бемор эмланди. Уй шароитида 457 нафар беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. «Бўстон» овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Куламет жиров» кишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида энг сўнгги рўсумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, шифокорларнинг малакаси оширилди.

— Асосий эътиборни касалликларнинг олдини олишга қаратмоқдамиз, — дейди кишлоқ врачлик пункти муdiri Аксунгул Алламбергенова. — Айни пайтда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, туғиш ёшидан аёлларни тиббий кўридан ўтказиш, яшаш ҳолиларида тиббий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган қатор тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Қутлуғ санага бағишланган анжуманлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИГИДА ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ОЛДИМИЗГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФА — РИВОЖЛАНГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЛАР САФИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭҒАЛЛАШ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ҲИСОБИДАН ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚ ВА ЮКСАК МАРАЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИ, ВАТАНИМИЗ САЛОҲИЯТИ, МОДДИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида турли соҳаларда амалга оширилган ислохотлар самараси улароқ халқимиз турмуш даражаси юксалди, турмушнинг ҳар бир гўшасида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, тинчлик, осмонимиз мусаффолиги ва «ўзбек модели» асосида олиб борилаётган ислохотлар самарасидандир.

О'zLiDeP ташаббуси билан истиқлол байрами арафасида бошланиб, бугунгача давом этаётган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остидаги амалий мулоқотларда ҳам асосий эътибор ана шу масалаларга қаратилди.

2 >>

Парламентда

Қонун лойиҳаси жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда


«ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ Тўғрисида»ги ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН БУХОРО ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИДА ЎТҚАЗИЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ БERAПТИ

О'zLiDeP электорати вакиллари маъруз қилиши иқтисодиёти янада либераллаштириш ва модернизациялаш, жамиятимизда кечатган демократлаштириш жараётиларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилган муҳим ҳужжат, дея эътироф этилди.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар муваффақияти сиёсий партияларнинг масъулияти ўз зиммасига олиши ҳамда партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаолиги билан чамбарчас боғлиқдир.

О'zLiDeP фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Самарқанд, Бухоро вилоятларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид туркум тадбирларда ҳам асосий эътибор ана шу масалаларга қаратилди.

3 >>



БИР МИЛЛИОН — ЧЕГАРА ЭМАС

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Текстиль милл Тошкент» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг тури эллигача етди. Бу ерда тайёрланаётган эркаклар ва аёллар пайпоқларининг сифати юқорилиги, мавсумбўлими ва нисбатан арзонлиги кўпчиликка манзур бўлмоқда.

— Танлаш имконияти кенг, харидорга ҳар жиҳатдан маъқул келаётган махсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда, дейди «Текстиль милл Тошкент» корхонаси маъсул ходими Ҳасан Хўшимов. — Махсулотимиз рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида жорий йилда бир канча замонавий тикув машиналари харид қилдик. Натيجида махсулотимиз сифати янада яхшиланди, иш самарадорлиги ошди.

Спортчилар учун бир неча фасонда пайпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йигирма нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти касб-хўнара коллежларини битирган ёшлардир.

— Маъзур корхонага келганимдан хурсандман, — дейди Шерзод Тўлқинов. — Бу ерда тикув машиналарини таъмирлаш бўйича иш олиб бормоқдаман.

Корхонаимизнинг тажрибали техникалари бу борада менга яқиндан ёрдам бермоқда.

«Текстиль милл Тошкент»да ўтган йили 600 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида бир миллиондан ортиқ махсулот тайёрланди. Корхона жамоаси йил охиригача яна беш юз минг жуфтдан кўпроқ пайпоқ ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Ташки ва ички бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаётган ушбу корхонада айни кунларда пайпоқнинг янги моделларини яратиш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ошириш бўйича ишланmalar олиб боришмоқда.

Ў.А.

«Ёшлар қаноти»

Аниқ ишлар билангина ишонч қозониш мумкин

«ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ПАРТИЯВИЙ ВАЗИФАЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЁШЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР Йўналишлари АССОСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТГА ЭҒА БўЛГАН НАВҚИРОН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШИШ БУТУНГИ КунДА ҲАМ О'ZLIDEP ФАОЛЛАРИ ОЛДИДАГИ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАНДИР

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ишлаб чиқарилаётган ва қабул қилинаётган янги қонунларнинг ҳаёта татбиқ этилишида ёшларнинг ролини ошириш, депутатлик гуруҳлари билан улар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, тадбиркор ва фермерларнинг мавжуд имкониятлардан фойдаланишлари учун қулай шароит яратиш ниҳоятда муҳимдир. Шу ўринда касб-хўнара коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини касб-хўнара кенг жалб этиш масаласи ҳам долзарб эканини таъкидлаш жоиз.

4 >>

Ислоҳот

Иқтисодиётимиз салоҳиятининг намоиши

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА БИР йўла учта ихтисослашган ХАЛҚАРО КўРГАЗМА — «UZENERGYEXPO-2013» ЭНЕРГЕТИКА, ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, «UZCNEMPLASTEXPO-2013» КИМЁ САНОАТИ, ПЛАСТМАССА ВА КАУЧУКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ЛАБОРАТОРИЯ ВА АНАЛИТИКА ҲАМДА «UZPROMSTROYEXPO-2013» САНОАТ ҚУРИЛИШИ, ИСИТИШ ТИЗИМИ, ВЕНТИЛЯЦИЯ, БАССЕЙНЛАР КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Тадбирлар IEG Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти, «Ўзкимсаноат», «Ўзбекнефтегаз», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзмонтажмахсуқурилиш» уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ундан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этаётган кўргазмаларнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодиётининг қўллаб-қувватлаш, жумлалан, энергетика, қурилиш, кимё санаятини жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

2 >>

КЕЛГУСИ СОНДА:

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ АЙТИШИЧА, 2013 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛЬ ҲОЛАТИГА ҲУДУДДА ЎЗЛАШТИРИЛГАН САРМОЯЛАР ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 26,6 ФОИЗ, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҲАЖМИ ЭСА 16,7 ФОИЗГА ОШГАН. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ 117 ТА ҚОРХОНА ТОМОНИДАН 436,8 МЛРД. СўМЛИК МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИБ, БУ БОРАДАГИ ЎСИШ КўРСАТКИЧИ 111 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 17 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларини юритиш, шунингдек, бошқоқна ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)	1 Австралия доллари ▲ 1996.44	1 АКШ доллари ▲ 2140.95	1 Хитой юани ▲ 349.96	1 Туркия лираси ▲ 1067.27	10 Япония иенаси ▲ 216.56
*) Валюта қиймати билан боғлиқ ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъруз валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди	1 Англия фунт стерлинги ▲ 3415.46	1 Миср фунти ▲ 310.55	1 Малайзия рингити ▲ 651.14	1 Швейцария франки ▲ 2317.3	1 Россия рубли ▲ 65.39
	1 Дания кронаси ▲ 383.77	1 Исландия кронаси ▲ 17.57	1 Польша злотийси ▲ 682.16	1 ЕВРО ▲ 2837.45	1 Украина гривнаси ▲ 267.85
	1 БАА дирҳами ▲ 582.89	1 Канада доллари ▲ 2078.19	1 СДР ▲ 3252.1	10 Жанубий Корея вони ▲ 19.78	

Иқтисодиётимиз салоҳиятининг намойиши

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Саккизинчи мартаба ўтказилган «UzEnergyExpo — 2013» кўргазмасида паст ва юқори вольтли ускуналар, кабеллар, симлар, изоляторлар, трансформаторлар, электромонтаж жиҳозлари, ёриткичлар, ёруғлик ўлчаш асбоблари, замонавий транспорт технологиялари, химия воситалари, назорат тизимлари ва техник хизмат кўрсатишга оид кўплаб маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида катта муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, энергияни тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу мақсадда шамол, қуёш, гидроэнергетика каби тикланадиган энергия манбалари ривожини ва қуёш-иссиқлик электрстанцияларини жорий қилиш борасида инвестиция дастурлари амалга оширилмоқда.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган «E-solar», «Elixir gano», «Kuchlanish va Quvvat», «Energy motors», «Promizolit» каби компаниялар томонидан тикланадиган энергия манбалари, қуёш ва шамол тизимларини ўрнатилган ва уларга хизмат кўрсатиш турлари, электр двигателлар, изоляция материаллари ва электрсувнинг ҳаво линиялари учун арматура маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмалардан Европанинг энергетика ва электротехника соҳасидаги йirik санаот корхоналари маҳсулотлари ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, Starpower srl компанияси (Италия) электр генератор қурилмалари, мотонасос, мотоулаш, карданли узатма ва электронасосларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва тех-



Сайёра ШОЕВА (ЎЗА) билан суҳбат

БУ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ САМАРАСИДИР. ШУ БОИС МАМЛАКАТИМИЗДАГИ КўПЛАБ КОМПАНИЯЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОҢЛАРИ БИЛАН ИЗЧИЛ ХАМКОРЛИК ҲИСОБЛАШАДИ.

ниқ қўллаш хизматлари, Zez silko s.r.o. корхонаси (Чехия) конденсатор, дроссель ва реактив қувватни компенсациялаш учун таркибий қисмлар, «Электробудова» (Украина) компанияси комплекс тақсимловчи қурилмалар ва трансформатор подстанцияларини тақдим этмоқда.

Кўргазмада энергетика объектларида қурилган мониторинг ишларини бажарилган энергия манбалари, қуёш ва шамол тизимларини ўрнатилган ва уларга хизмат кўрсатиш турлари, электр двигателлар, изоляция материаллари ва электрсувнинг ҳаво линиялари учун арматура маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмалардан Европанинг энергетика ва электротехника соҳасидаги йirik санаот корхоналари маҳсулотлари ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, Starpower srl компанияси (Италия) электр генератор қурилмалари, мотонасос, мотоулаш, карданли узатма ва электронасосларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва тех-

чи полиамид-6 ва полимер композицион материаллар «Гродно азот», «Химволокно» (Беларусь), сув юқтирмайдиган бўр «Global Trade», пластмасс машини ва санаот маҳсулоти идишлари «Middle asia rotoplast», кимёвий маҳсулотларнинг кенг асортименти — техник ва озиқ-овқат хомашёси, кимёвий реактивлар, лаборатория жиҳозлари ва ускуналари «Kimyofaminvest» (Ўзбекистон) корхоналари томонидан тақдим этилмоқда.

«UzPromStroyExpo — 2013» кўргазмасининг асосий мақсади биноларни қуриш ва улардан фойдаланишда ҳавони совутиш, иситиш ҳамда сув таъминоти учун тизимли ечимлар соҳасидаги эҳтиёжни таъминлашга қаратилган.

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, — дейди «Амқадор» машина-созлик холдинг компанияси Исрол Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

ва турининг кўплигидан ҳам билса бўлади. Бу Президент Исрол Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилонна иқтисодий сиёсат самарасидир. Шу боис мамлакатимиздаги кўплаб компаниялар Ўзбекистон ишбилармонлари билан изчил ҳамкорлик ўрнатмоқда. Ушбу кўргазма Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, янги шартномалар тузиш имконини бераётганидан мамнуним.

«UzPromStroyExpo — 2013» кўргазмаси доирасида хорижий компаниялар мутахассислари томонидан қурилган соҳасидаги янгиликлар, айланма сув таъминоти тизими учун автоматик жиҳозлар, сув таъминоти ва ёнгин ўчириш, канализация тизимларида муҳандислик ускуналаридан самарали фойдаланишга доир мавзуларда семинарлар ўтказилди.

Мазкур кўргазмалар иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, энергетика, кимё санаоти, қурилиш ва иситиш тизимларида фойдаланишга мўлжалланган илмий янгиликлар ва санаот ускуналари, янги технология ишланмаларини намойиш этиш, тажриба алмасошиш, корхона, ташкилот, фирма ва компаниялар ўртасида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Матбуот марказида

Сайловда фуқаролар фаол иштирок этишади

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 105-МОДДАСИ, ШУНИНГДЕК, «ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ҲАМДА «ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ЯЪНИ МАҲАЛЛАЛАРДА НАВБАТДАГИ САЙЛОВГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Шухрат ХҲҲАЕВ,
«XXI asr»

Маълумотларга қараганда, сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ҳамда 97 минг нафардан ортиқ маслаҳатчини сайлаш режалаштирилган.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтadиган ана шу муҳим тадбир олдидан брифинг ташкил этилди.

Шу ўринда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 12 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловга ҳар томонлама ҳозирлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилиниб, аynи пайтда фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати туғаниш муносабати билан бўлажак сайловга тайёргарлик ишлари кўриб чиқилган эди.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова сўзга чиқиб, Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Матбуот анжуманида муҳим сиёсий тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссия ту-

зилгани, унинг таркибига парламент палаталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ЁИҲ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам кенгайтирилган маълум қилинди.

9756 НАФАР ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ ҲАМДА 97 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ МАСЛАҲАТЧИ САЙЛОНАДИ

Қутлуғ санага бағишланган анжуманлар

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Фарход ТОШБОЕВ,
Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Шундан сўнг партия фаоллари Қарши шаҳридаги «Фото экспресс» ишлаб чиқариш корхонасида бўлиди. Зафар Турдалиев етакчилик қилаётган мазкур корхона турли матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда иқтисослашган бўлиб, аynи пайтда бу ерда 50 дан ортиқ ёшлар меҳнат қилинаёпти. Уларнинг аксарияти O'zLiDeP аъзоси бўлгани боис, жойларда партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этяптилар. Корхонага ўтган йили замонавий технология келтирилганидан кейин вилоятнинг деярли барча напшлари шу ерда чоп этила бошланди.

Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти мажлислар залда эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси ҳамда Қашқадарё вилоят кенгаши аъзолари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Унда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадсуф Тешабоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Маъруф Усмонов, вилоят Фермерлар кенгаши раиси Бахтиёр Сафаров, таъбиркор Гулнора Одилова сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши халқимизнинг тарихий ютуғи экани, ўтган даврда Президентимиз раҳнамолигида мамлакат ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида улкан ишлар амалга оширилгани, миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш тарихан қисқа даврга юз берганини ҳаётини мисоллар билан тушутириб берди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётган «Ўзбек модели»нинг маъно-мазмунини — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойил-

лариға асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўзининг ижобий натижасини берди ва бериб келмоқда.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган юзсак марраларни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғинмай, қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Бугунги ташкил этилган тадбир ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни эътироф этган ҳолда, унинг маъно-мазмунини партия аъзолари ва фаоллари орасида кенг тушутириш, шунингдек, партия фаоллари орқали аҳолининг турли қатламлари орасига кириб бориб, истиқлолнинг халқ турмуши ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашдаги аҳамиятини тарғиб қилишда ўзига хос услуб вазифасини бажариши айтиб ўтилади.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori тақил қилиниши билан на-вбатдаги йиғилиш Термиз шаҳрида ташкил этилди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, таниқли тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбирда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, беқисс натижалар, барча соҳа ва тизимларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, хусусий сектор учун яратиб берилган шарт-шароит самараси ҳақида сўз юритилиб, мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч бўлган O'zLiDePнинг бу борадаги фаолияти атрофида таҳлил этилди.

Йиғилишда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова, Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев, Ўзун туманидаги «Меҳрож ШХХ» улгуржи савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Шукр Қурбонов — Хусусий корхонамида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ташкари ўш гектар майдонда интенсив олма боғи ҳам яратилди. Жорий йили қишлоқда хориж технологияси билан жиҳозланган тикуччилик фабрикаси барпо этилди. Тикорат банкнинг имтиёзли кредити эвазига қуриладиган фабрикамида қирқдан ортиқ коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

Анжуманда бир гуруҳ партия фаоллари фахрий ёриқ ҳамда эсдалик совдалари билан тақдирланди. O'zLiDeP сафига қабул қилинган ёшларга эса партия туғоҳномалари топширилди.

Қарор Ва ижро

СИЁСАТЧИ ХИЗМАТ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида фермер ва деҳқон хўжалиқлариға курсатилган агрокимёвий хизматларни янада тақомиллаштириш масалалариға бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. «Ўзимёсанот» давлат акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Х.Бекбергенов ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётини амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туғайли кимё санаоти ҳам жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Аynи пайтда «Ўзимёсанот» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида турли минерал ўғитлар, сунъий тала, полимер материаллар, ноорганик моддалар, энергетика, олтун казиб олиш ва енгил санаот учун резина-техника буюмлари, кимёвий реагентлар, кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўсимликларни кимёвий химия қилиш воситалари, дефолиантлар, плёнка каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу турдаги бундай маҳсулотлар ички бозордан ташкари хорижга экспорт ҳам қилинмоқда.

«Ўзимёсанот» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик компанияларининг туманлардаги филиаллари томонидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларға кенг қўламли агрокимё хизматлари курсатиллаётгани, азот, калий, фосфор каби ўғитларнинг етарлича ва ўз вақтида етказиб берилиши натижасида ҳосилдорлик ортмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январда қабул қилинган «Кимё санаоти корхоналарини бошқариш тузилмасини тақомиллаштириш ва кишлоқ хўжалигиға агрокимё хизмати курсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омили бўлмоқда.

«Ўзимёсанот» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига қўра, жорий йилнинг саккиз ойида фермер хўжалиқлариға компост тайёрлаш, минерал ва органик ўғитларни далага етказиш, пахта, галла, тақорий экинларға сепиш, суспензия (минерал ўғитлар эритмаси) билан ишлов бериш, дефолиация тадбирлари учун қўрсатилган агрокимё хизматлари миқдори 22 миллиард сўмдан ошди. Бу ўтган йилнинг шу давриға нисбатан қарийб 4 миллиард сўм кўндир. Фермерлар ва аҳолиға агрокимёвий хизматлар курсатиш билан бирға, уларнинг эҳтиёжлариға яраша минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чоралари ҳам қўрилмоқда. Илгари четдан олиб келинган маҳсулотлар эндиликда мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. «Навоийазот», «Максам-Чирчиқ» ва «Фарғонаазот» очик акциядорлик жамиятларида азотли, «Аммофос-Максам», «Самарқандимё», «Қўкон суперфосфат» корхоналарида фосфорли, Деҳқонobod калий ўғитлари заводида калий ўғитлари тайёрланмоқда. Бу кишлоқ хўжалиги соҳасининг ушбу кимматбаҳо ўғитларға бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш билан бирға, уларни экспорт қилиш имконини ҳам яратмоқда. Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларға жавоблар берилди.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА муҳбири.

Аниқ ишлар билангина ишонч қозониш мумкин

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI asr»



ТАҲЛИЛЛАР ШУНИ КЎРСАТМОҚДАКИ, ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАРДА КРЕДИТ ОЛИШ ХУҚУҚИНИ ҚўЛГА КИРИТГАНЛАРНИНГ 85 ФОИЗИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ. БУГУН ВИЛОЯТДА О'ZLIDEP ЛЪЗОЛАРИНИНГ 46,6 ФОИЗИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТАЁТГАНИ ЭСА ПАРТИЯ САФИ АЙНАН ЯНГИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ҲИСОБИГА МУСТАҲҚМЛАНАЁТГАНИНИ КЎРСАТАДИ, АЛБАТТА.

этилган «Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотлар: тизимлилик, изчиллик ва ўзаро боғлиқлик» мавзусидаги ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар анжуманида ҳам виллоятимиз ёшлари фаол иштирок этдилар, — дейди Азиз Ҳақимов. — Улар республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёш олимлар билан ўзаро тажриба алмашишди. Зеро, анжуманда иқтисодий, — Шу йил 12-13 июнь кунлари Нукус шаҳрида Олий ва ўрта махсус таълим вазири билан ҳамкорликда ташкил

лар атрофлича муҳокама қилинди. — Нукус анжуманида «Иқтисодий барқарорликни таъминлашда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг аҳамияти» анжуманида ҳам виллоятимиз ёшлари фаол иштирок этдилар, — дейди Азиз Ҳақимов. — Улар республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёш олимлар билан ўзаро тажриба алмашишди. Зеро, анжуманда иқтисодий, — Шу йил 12-13 июнь кунлари Нукус шаҳрида Олий ва ўрта махсус таълим вазири билан ҳамкорликда ташкил

этиш, бўш турган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш имконини янада кенгайтиради. Энг муҳими эса маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи юқори сифатли экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришда рақобатбардошликни оширади.

Президентимиз 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқинлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳам фаол инвестиция сийсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарт ва манбаи эканини алоҳида таъкидлаган эдилар. Бир сўз билан айтганда, Бухорода ҳам бошқа виллоятларда бўлганидек, О'ZLIDEPнинг муҳим бўғинига айланган «Ёшлар қаноти» фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиб, либерал-демократик гоёларнинг муҳим тағриботчисига айланди.

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР АНИҚ
НАТИЖА БЕРЯПТИ

Қашқадарёлик тадбиркорлар ҳамкорликдан манфаатдор

ҚАШҚАДАРЁ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЕР ОСТИ ВА
ЕР УСТИ БОЙЛИКЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ
ЗАХИРАЛАРИ ЖИҲАТИДАН ЕТАКЧИ
ВИЛОЯТЛАРИДАН БИРИДИР

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Айни пайтда ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд захиралардан унумли фойдаланиш мақсадида хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, бугун виллоятда 58 та қўшма корхона бўлиб, уларнинг аксариятида маҳаллий хом ашёдан экспортбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай корхоналарга 200 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилди.

қаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 315-сонли қарорига асосан «Radiant Silk» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси барпо этилди. Юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур комплексе 400 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга.

— Енгил саноатни ривожлантириш ҳудудларда янги иш ўриллари яратилиши, виллоят ялпи ички маҳсулотига саноат улушининг кўпайиши учун кенг имконият яратмоқда, — дейди «Radiant Silk» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси раҳбари Рауп Рустамов. — Ҳар йили виллоятда 2,7 минг тоннадан ортиқ пилла етиштирилса-да, ундан олинган 800 тонна куруқ пиллани қайта ишлайдиган қувватлар етарли эмас эди. Қўшма корхонамизга 2012-2014 йилларда 3 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилиб, жорий йилдан бошлаб йилга 120 тонна хом ипак, иккинчи босқичда эса йилга 500 минг погонметр ипак газлама ишлаб чиқариш мўлжалланган. Корхонамизнинг ишга туширилиши муносабати билан 70 нафар ёш иш билан таъминланди. Уларнинг 40 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Айни пайтда маҳсулотнинг асосий қисмини Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Вьетнамга экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Комплекс тўла қувват билан иш бошлагач, ходимлар сони 300 нафарга етади.

Давлат кафолати таъминланган чет эл кредитлари ҳисобидан эса турли лойиҳалар бўйича 291,9 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 5,1 баробарга ўси. Давлат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитларнинг асосий қисми ипак газлама ишлаб чиқариш мўлжалланган. Корхонамизнинг ишга туширилиши муносабати билан 70 нафар ёш иш билан таъминланди. Уларнинг 40 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Айни пайтда маҳсулотнинг асосий қисмини Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Вьетнамга экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Комплекс тўла қувват билан иш бошлагач, ходимлар сони 300 нафарга етади.

депутати Саъдулла Бобоқулов. — Бошқарма ташаббуси билан хитойлик тадбиркорлар томонидан 665523 АҚШ доллари миқдорига замонавий минитехнологиялар келтирилди. Шаҳрисабз туманидаги «Файзиев Б.» хусусий корхонасида соатига 110 тонна тошни майдалайдиган ускуна ўрнатилган бўлса, Қарши шаҳридаги «Одил соф бизнес» масъулияти чекланган жамиятида бир кеча-кундузда 200 п/м том ёпқич ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яқкабоғ туманидаги «Офтобруй замин» фермер ҳўжалиги эса кичик тегириг ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналарни харид қилди. Ана шулар туфайли ёшлар учун 300 та яқин янги иш ўрни яратилди.

Шу ўринда палата кўмағида 35 нафар тадбиркор Хитой Халқ Республикасига юборилиб, 880500 АҚШ доллари миқдорда контрактлар тузиб қайтагиликларини таъкидлаш зарур. Натияжада 25 та замонавий технология ва яна қўшимча 1168381 АҚШ доллари миқдорига ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда Хитой технологияси асосида виллоятнинг тоғолди туманларида ҳам мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашга мўлжалланган қўшма корхоналар ташкил этишнинг мўлжаллаб турибмиз.

Бугун Қашқадарёда хитойлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 8 та — «Guzor Yi jie», «Etimtoғ кўрки», «Темур чина», «Komfort pasaf sanahay», «Safit carb», «Asia trans gas», «Radiant Silk» ҳамда «China inext invest» корхоналари асосан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва пиллани қайта ишлаш билан шуғулланипти.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида Вазирлар Маҳкамасининг «Қашқадарё виллоятининг Қарши шаҳрида туғатилган «Қарши 16-сонли автобус саройи» очик акциядорлик жамиятининг мулкрий комплекси негизида хом ипакни қайта ишлайдиган замонавий ишлаб чи-

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё виллоят кенгаши ҳузурдаги «Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази» билан ҳамкорликда эса тадбиркорларнинг қўлқўй, иқтисодий билимларини ошириш мақсадида турли ўқувлар, семинар-тренинглари ўтказилди.

Чиндан ҳам Қашқадарё воҳаси Аллоҳ назари тушган гўна сифатида кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар эса маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар билан жаҳон бозорига чиқмоқдалар. Бу эса, шубҳасиз, ўз самарасини беряпти.

Кичик бизнес

Оилавий корхоналарга «яшил чироқ»

НАВОИЙ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ АЛИЖОН ЖУМАЕВ «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»НИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ҲУДУДДА 750,3 МИЛЛИАРД СЎМЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИБ, БУ БОРАДА ЎТГАН ЙИЛНИНГ АЙНИ ДАВРИГА НИСБАТАН 101,7 ФОИЗ ЎСИШГА ЭРИШИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»



Айни шу даврда ҳудудий корхоналар томонидан 73,5 миллиард сўмлик саноат, 149,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилгани ҳам Навоий шаҳрида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш имконини бераётган Президент фармон ва қарорлари, амалдаги қонунларга қатъий амал қилинаётганидан далолатдир. Таҳлилчилар жорий йилнинг ўтган даврида чакана товар айланиши ҳажми 116,8 фоизга урдаданганини таъкидлашмоқда.

Шу ўринда Навоийда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини ҳам қайд этиш жоиз. Хусусан, тижорат банклари томонидан уларга 833,9 миллиард сўмликдан зиёд кредит ажратилган бўлса, коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини амалга оширишга 447,1 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Натияжада белгиланганидан 301 та кўп иш ўрни ташкил

этилди. — Жорий йилда оила аъзоларимиз билан маҳаллий хом ашё — чармдан пойабзал тикишга ихтисослашган «Стандарт Навоий» корхонасини ташкил этдик, — дейди ёш тадбиркор Нурсултон Шоҳназаров. — Айни кунда шаҳримиз бозорларида маҳсулотларимиз амалга ошириб бораёпти.

Кенг ассортиментдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Ҳосил гарови

ишонч», калава ип тайёрловчи «Элмурод Ўлмас», замонавий миллир либос ва мактаб формалари тикаётган «Навоий Маржона келажоғи» сингари оилавий корхоналар ҳам рақобатбардош, сифатли ва импорт ўрнини босишга қодир маҳсулотлар билан аллақачон харидорлар ишончини қозондилар. Натияжада биринчи ярим йилликда шаҳар бўйича 98 миллион 442,8 минг АҚШ доллари миқдоридики маблағ иқтисод қилинди.

Тадбиркорлик

ФАРГОНАДА КИЧИК БИЗНЕС КАТТАЛАШЯПТИ

Агар 1996 йили Фарғона виллоятда 85 та енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, жорий йилда улар сони 346 тага етди. 1996 йилда жами 54 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестиция ўзлаштирилгани ҳолда 2013 йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 620 миллион доллари ташкил этди. Таҳлилчилар Фарғонада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласида ҳам тизимли ишлар олиб борилаётганини қайд этмоқдалар. Хусусан, 1996 йили виллоятда тижорат банклари томонидан соҳага бор-йўғи 23 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилнинг 8 ойида бу кўрсаткич 200 миллиарддан ошди. Натияжада 47 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ виллоят филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Бугунгача саноат корхоналарини кредитлашга жами 210 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлса, шундан 29 миллиарди айнан кичик бизнес субъектларига тўғри келади. Тадбиркорлар томонидан эса 778 та янги иш ўрни ташкил этилган. Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

Тадбир

МАТБУОТ УЙИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Самарқанд виллоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Шухрат Раҳмонов «2013-2015 йилларда виллоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури»нинг ижроси тўғрисида ОАВ вакилларига ахборот берди. — Дастур асосида 2013-2015 йилларда 627,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 2986 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда, — деди Ш.Раҳмонов. — Шундан саноат йўналишидаги лойиҳалар 860 тани, қишлоқ ҳўжалиги йўналишида 602, хизматлар соҳасида эса 1524 тани ташкил этмоқда. 29,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 19 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 37,9 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилишини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Самарқанд шаҳрида 5 та, Оқдарё ва Самарқанд туманларида 2 тадан, Пастдарғом туманида 3 та, Ургут туманида 6 та, Иштихонда эса 1 та лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган. Бундан ташқари 2015 йилгача амалга оширилиши режалаштирилган 3850 та лойиҳа асосида минг-миглаб қўшимча иш ўрни ташкил этилади. Тадбирда бундай натижалар, энг аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди. Муҳаббат РАВШАНОВА.



Қарши шаҳрида «Трастбанк»нинг янги филиали иш бошлади

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ — ҚАРШИ ШАҲРИДА «ТРАСТБАНК»НИНГ ЯНГИ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ. БУ МИЖОЗЛАР УЧУН МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ БЎЛДИ, ДЕСАК АСЛО ХАТО ҚИЛМАЙМИЗ

Дарҳақиқат, мамлакатимиз молия бозорига самарали фаолият юритиб келаётган «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик-биржа банки хизмат доирасини тобора кенгайтириб, ўз маъқеини мустаҳкамлашга эришмоқда. Агар 2009-2010 йиллар давомида банкнинг Наманган, Термиз ва Андижон филиаллари иш бошлаган бўлса, ўтган йили Самарқанд шаҳри ҳамда пойтахтимизнинг Яққасарой туманида барча қўлайликларга эга бўлган замонавий тармоқлар фаолияти йўлга қўйилди. Дархон филиалининг янги манзилга кўчирилиши эса миқдорлар учун қўшимча қўлайлик яратганлиги аниқ.

Таъкидлаш жоизки, ислохотларнинг ҳозирги босқичида ўзaro манфаатли ва самарали ҳамкорлик янгидан-янги ютуқларга эришиш имконини бермоқда. Зеро иқтисодий тармоқларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш, ўз хизматлари билан аҳоли кенг қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, пул-кредит муносабатларини замонавий асосда босқичма-босқич такомиллаштириш банк жамоасининг эзгу мақсадига айланган.

«Трастбанк»нинг Қарши филиали банк амалиёти соҳасида зарур талабларга тўла жавоб беради, — дейди «Трастбанк» ХОАББ Стратегик ривожланиш департаменти бўлими бошлиғи Ойбек Дўстмухамедов. — Юридик ва жисмоний шахслар бу ерда молиявий операцияларни бекаму қўст амалга ошириш имкониятига эгадир. Шу-



нингдек, миллий ва хорижий валютада ҳисоб varaқаларини очиш ҳамда юритиш, қолаверса ҳисоб-китоб-касса, «Интернет-банк» тизими ва лизинг хизматларидан бемалол фойдаланиш мумкин. Хуллас, янги филиалда Марказий банк лицензиясида кўзда тутилган барча молиявий шарт-шароит мавжуд. Бу эса вилоятда пул-кредит сисбатини такомиллаштириш,

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, миқдорлар сафини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Банк ахборот хизмати.

Реклама ўрнида

ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ЗАМОНАВИЙ АСОСДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



Янги навлар — зироатчиликка

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТ АГРОСАНОАТИ АҲОЛИ ДАСТУРХОНИНИНГ ТЎКИН-СОЧИНЛИГИ, ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ УЧУН АСОСИЙ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мусурмон РЎЗИЕВ,
 «XXI asr»

Ўтган 22 йил мобайнида Ўзбекистонда бу соҳада туб ислохотлар амалга оширилиб, қишлоқ хўжалигида юксак таъраққий этган мамлакатлар ҳам ўрганса арзийдиган муваффақиятларга эришилди.

Замонавий техникадан унумли фойдаланиш, селекция ва уруғчилик ишларининг илмий асосда тизимли олиб борилгани, фермер хўжаликларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани ана шундай натижаларга асос бўлди. Бу жараёнда Ўзбекистон селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларида агроасаноат мажмуаси, унинг асосий тармоқларидан ҳисобланган илмий ва илмий-ишлаб чиқариш муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди, — дейди институт директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Шодмон Намозов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Уруғчилик тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги «Ўзбекистон ҳукуматининг уруғчилик соҳасидаги асосий йўналишлари сисбати тўғрисида»ги 328-сонли ва 1998 йилдаги 491-сонли қарорлари соҳани изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Мазкур ҳужжатларда янги навлар яратиш ва уруғчиликка оид вазифалар белгилаб берилиши билан бир қаторда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳа мутахассисларини рағбатлантириш масалалари ҳам ўз аксини топди. Бир сўз билан айтганда, пахтачиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида соҳада туб ўзгаришларга эришилди. Мамлакатимизда етиштирилган пахта толасининг жаҳон бозорига нуфузи тобора ортиб, харидорларнинг бўлишига ҳам пухта замин яратилди. Республикада ҳар йили ўтказилаётган Халқаро пахта ярмаркаларида хорижий харидорлар Ўзбек пахтачининг сифати, толасининг саноат-боплигига бежиз эътибор қаратмаётгани.

Айни пайтда Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Шодмон Намозов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Уруғчилик тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги «Ўзбекистон ҳукуматининг уруғчилик соҳасидаги асосий йўналишлари сисбати тўғрисида»ги 328-сонли ва 1998 йилдаги 491-сонли қарорлари соҳани изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Ҳозир бу даргоҳда G.nilonii, G.klotzchianum, G.raimondii, G.gossypoides, G.davidsonii, G.bickii, G.australe, G.sturtianum каби ёввойи турларнинг ижобий белгиларини маланий турларга мансуб шакллarga ўтказиш мақсадида турларaro чатиштириш ишлари олиб борилмоқда. Сўрувчи зараркундаларга, вилт ва сув танқислигига бардошли G.tomentosum иштирокида олинган намуналардан ҳам селекциячилик йилларида унумли фойдаланилмоқда.

Мустақиллик йилларида институт олимлари томонидан «Наманган-1», «Фарғона-3», С-6530, «Наманган-77», С-6532, «Омад», «Оққўрғон-2», С-2609, «Сурхон-9», «Наманган-34», С-6541, «Султон», С-6775 гўза навлари ва «Тошкент-2009» беда нави районлаштирилди. «Турон», С-9076, С-2610, «Сурхон-14», С-8286, С-2510, С-8284, С-8290, «Жарқўрғон», С-9085, С-6545, «Истиқлол-14» сингари навлар истиқболли навлар сифатида Давлат реестрига киритилди. Ана шундай изланишлар натижасида яратилган янги гўза навларининг 43 тасига патент олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 февралдаги 1919-сонли қарори асосан институт олимлари томонидан яратилган С-6524, «Наманган-77», «Омад», С-4727, С-6541, «Султон», «Наманган-34» ва истиқболли С-8284, С-8286 гўза навлари 514,3 минг гектар ерга экилди. Бу республикада жами пахта майлоининг 40 фоизига тахрибада сигналлар сара уруғ экиляпти, деганидир.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йиллари бошқа соҳа ва тизимларда бўлганидек, Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Зеро, селекциячи олимлар томонидан яратилган ва жаҳон алоқаларига тўлиқ жавоб берадиган кўплаб навлар айни пайтда даладаримизда экилиб, юқори навли пахта хом ашёси олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 февралдаги 1919-сонли қарори асосан институт олимлари томонидан яратилган С-6524, «Наманган-77», «Омад», С-4727, С-6541, «Султон», «Наманган-34» ва истиқболли С-8284, С-8286 гўза навлари 514,3 минг гектар ерга экилди. Бу республикада жами пахта майлоининг 40 фоизига тахрибада сигналлар сара уруғ экиляпти, деганидир.

Хизмат сифати ва маданияти ошмоқда



МОЛИЯ БОЗОРИДА ЎЗ МАВҚЕИНИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАЁТГАН «ИПОТЕКА БАНК» АТИБ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 8 ОЙИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЖАМИ 11 626,1 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТДИ

Шахзод НАЗАРОВ,
 «XXI asr»

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида молия муассасалари ўз зиммаларидаги масъулиятдан келиб чиқиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

«Ипотека банк» жамоаси ҳам иқтисодий ислохотларни жадал ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Банкнинг тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани таҳсинга сазовор, албатта. Айниқса, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бўлиб, жорий йилнинг 8 ойи давомида соҳага 1627,7 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилди.

Аҳолини сифатли озик-овқат таъминотидаги бўлган талабини қондиришдек муҳим вазифага ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Шу боис жорий йилнинг ўтган

даврида тармоққа 1555,6 млн. сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга эса 1718,7 млн. сўм кредит йўналтирилди. Хатирчи туманидаги «ЭЛ-БЕКЖОН ҚОБИЛЖОН КЕЛАЖАГИ» хусусий кор-

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БЎЛИБ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 8 ОЙИ ДАВОМИДА СОҲАГА 1627,7 МЛН. СЎМ КРЕДИТ МАБЛАҒИ ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

хонаси ҳам банкнинг доимий миқдорларидан. Жорий йилнинг март ойида ушбу тузилмага эшик, дераза-ролар ва НДФ эшиклари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар ва хом ашё сотиб олиш учун 70 млн. сўм кредит берилган эди. Натижада корхонада замонавий маҳсулотлар тайёрлана бошланди.

Сир эмас: чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад тармоқларидан биридир. Уни ривожлантириш эса бозор пештахтала-

рида арзон ҳамда сифатли гўшт ва сўт маҳсулотларининг кўпайишини таъминлайди. Ана шундан келиб чиқиб, банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 65,5 млн. сўм маблағ шахсий ёрдамчи ва

деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун йўналтирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун эса 82,7 млн. сўм кредит берилди.

Банк хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўляпти. Бунда асосий эътибор вилоятнинг энг чекка ҳудудлари аҳолисига намунали сервис хизматлари кўрсатишга қаратилмоқда. Ана шу мақсадлар учун «Обод турмуш йили»нинг ўтган даврида 1268,0 млн.

сўм кредит ажратилди.

Навоийликлар «Ипотека банк»нинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга эътибори юқори эканини ҳам таъкидламоқдалар. Муълумотларга қараганда, ушбу йўналишга банк томонидан 138,0 млн. сўм микрокредитлар ажратилган. Шу ўринда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 177,7 млн. сўм, имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан эса 159,0 млн. сўм ажратилгани ҳам қайд этиш мумкин. Тадбиркорлик тузилмаларида бошланғич сармоини шакллантириш учун 125,7 млн. сўм берилди.

Банк мутасаддилари эътиборидан коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш масаласи ҳам четда қолмапти. Ана шу мақсадлар учун 673,4 млн. сўм кредит ажратилди.

Умуман олганда, «Ипотека банк»нинг Навоий вилоят филиали жамоаси аҳоли манфаатидан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этмоқда.

ХАБАРЛАР

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган мўл пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун йигим-терим ишлари жадал олиб борилмоқда. Нукус туманидаги «Жайхун» ва «Максет баймакли» фермер хўжаликлари етти иш кунда шартнома режасини ортиги билан адо этдилар.

— Деҳқончиликда янги технологияларнинг кенг жорий этилаётгани ва бошқа агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилаётгани, энг муҳими, меҳнатнинг кадр топиб, рағбатлантирилаётгани ҳисдорликнинг ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Жайхун» фермер хўжалиги раҳбари Сағит Шектибоев. — Биринчи теримдаёқ гектарига 34 центнердан ошириб хирмон кўтаришга муваффақ бўлди. Ҳали даладаримизда ҳосил кўп. Биз, фермерлар эришаётган бундай ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги муҳасам.

Қораўзақ туманидаги 215 фермер хўжалиги ҳам йигим-терим ишларида яхши самарга эришишни режалаштирган.

— Ўтган йили шартнома режасини 200 фоизга уддалаб, яхши даромад олган эдик, — дейди «Айдин жўл» фермер хўжалиги раҳбари Ажминов Ақимниязов. — Давлатимиз томонидан фермерларга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар туяфайли бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА муҳбири.

МУЗЕЙДА ЯНГИ КЎРГАЗМА

Самарқанд тарихи музейида Ўзбекистон ва Франция археологлари ҳамкорлигининг самараларига бағишланган кўргазма очилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари кўмағида Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада ҳамкорлик доирасида олиб борилган қазилма ишларида топилган нобё осори-атиқалар намойиш этилмоқда.

— Ватанимиз мустақиллиги арафасида институтимизда Ўзбекистон-Франция халқаро экспедицияси ташкил этилиб, Самарқанд шаҳридаги Афросиёб тепалигида қазилмалар бошланган эди, — дейди Археология институти директори Амриддин Бердимуродов. — Бу экспедиция археология соҳасидаги ўзбек-француз илмий ҳамкорлигининг дебючаси бўлган эди, десак хато бўлмайти. Қўшма экспедиция томонидан Афросиёбда амалга оширилган изланишлар натижасида Самарқанд шаҳрининг ўзини аниқлашга ёрдам берувчи қатлам аниқланиб, у ердан топилган ашёлар орқали шаҳарнинг 2750 йилдан зиёд тарихга эга экани исботланди. 2007 йилда Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланди. Кўргазмада Пайриқ туманидаги Кўктепа шаҳарчасида олиб борилаётган тадқиқотларда кўлга киритилган эраимизнинг бошларида оид ашёлар, Афросиёбдан топилган XI асрга оид деворий суратлар намуналари ҳам намойиш этилмоқда.

Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА муҳбири.

Дунёни маърифат қутқаради

БУТУН ДУНЁ ВА ЁН-АТРОФИМИЗДА КЕЧАЁТГАН МУРАККАБ ЖАРАЁНЛАР, У ЁКИ БУ МАМЛАКАТДА ИРҚЧИЛИК, МИЛЛАТЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОРТИБ БОРАЁТГАНИ, АЛКОГОЛИЗМ ВА ГИЁХВАНДЛИККА РУЖУ ҚЎЙГАН ЁШЛАРНИНГ КЎПАЯЁТГАНИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТГА ЎТАРЛИЧА ЭЪТИБОР ҚАРАТМАСЛИК ОҚИБАТИДА ЮЗ БЕРАЁТГАНИ БЕЖИЗ ТАЪКИДЛАНМАЙТИ

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Мутахассисларнинг маълум қилишларича, айти пайтда дунё аҳолисининг 800 миллиони саводсиздир. Қарийб 250 млн. нафар бола эса мактабга бориш бахтидан мосуво. Салкам бир миллион ардга яқин кишининг аксарии ёшлар экани бу муаммо дунё ҳамжамияти олдига турган долзарб масала эканини кўрсатади.

Ҳа, чиндан ҳам таълимга етарли эътибор қаратилмаётгани боис жаҳоннинг айрим худудларида саводсизлар сони йил сайин ортиб бораётган. Статистика маълумотларига кўра, Африка, Осиё ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатлари бу боралда «етақчилик» қилишяпти. Мутахассислар мазкур минтақаларда бошланғич таълим тизими тўла шакллантирилмаганини муаммонинг бош сабаби сифатида келтиришмоқда. Хусусан, Нигерияда аҳолининг 84 фоиздан ортиги на ўқиниши билди ва на ёзини. Худди шу кўрсаткич Бенин, Гамбия, Сенегал ва Эфиопияда 63 фоизни ташкил этаётган. Тахлилчи-экспертлар Жанубий-шарқий Осиёнинг йирик мамлакатларидан бири — Ҳиндистонда аҳолининг 40 фоиздан зиёди саводсиз эканига эътибор қаратмоқдалар. Таъкидлаш жоиз-

ки, саводсизларнинг деярли барчаси қашшоқ қатлам вакиллари-дир. ЮНЕСКО томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 1993-1994 ўқув йилида мамлакат болаларининг атиги 27 фоизи мактабга борган, холос. Шу билан бирга аҳоли сонининг кескин ортиб бораётгани, яъни туғилишнинг кўпчилиги болаларнинг таълим тизимига тўлиқ жалб этиш имконини бермаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Кейинги йилларда Ҳиндистонда мактаблар сони ошиб бораётган бўлса-да, тирикчилик деярли уларни тарк этаётган болалар сони кўпчилигига қолмоқда. Келажак — ёшлар кўлида экани ва уни бундай қашшоқ ва илмсиз болалар билан қуриб бўлмаслигини Ҳиндистон ҳукумати яқин тушунадди, албатта. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий дастурларда бу масалага алоҳида ўрин берилмоқда. Хусусан, мамлакатда қашшоқликка қарши кураш ва болалар меҳнатини тартибга солишга жиддий эътибор қаратилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Шу ўринда Оксфортидаги айрим мамлакатлар аҳолига ҳам ҳавас қилиб бўлмаслигини тан олиш керак. Жумладан, АҚШнинг 32 миллиондан ортиқ фуқароси на ўқиниши ва на ёзини билди. Мамлакат таълим департаменти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жамиятнинг турли тармоқларида меҳнат қилаёт-

ган америкаликларнинг 14 фоизи ўқиниш ва ёзини асосий кўникмаларидан беҳабар бўлиб, улар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Айрим мамлакатларда улар ҳатто оддий сўровномани ҳам тўлдиролмасликлари айтилмоқда. «Америка компаниялари саводсиз ходимлар туфайли йилига 60 миллиард АҚШ доллари йўқотмоқда», — дейди катталар учун ўқув дастурлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ProLiteracy» жамғармаси раҳбари Дэвид Харви. Унинг сўзларига қараганда, мазкур соҳага йўналтирилётган сармоялар жуда кам бўлиб, саводсиз одамларнинг инқироз шароитида иш топиш имконини кескин пасайтиряпти.

Тахлилчиларнинг фикрича, саводсиз америкаликларнинг катта қисми ҳиндулар ва Аляска туб аҳолиси вакиллари-дир.

Европадаги вазиятга назар ташласак, биргина Франциянинг ўзида 9 фоиз аҳоли саводсиз экани маълум бўлади. Шунинг учун ҳам Европа Иттифоқи мутасаддилари ўрта мактабларда таълим сифати кескин пасайиб кетаётганидан хавотирдалар. Боз устига Европа мактаб ўқувчилари орасида жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёхвандлик иллатларига муккасидан кетаётган ёшлар сони ортиб борапти. Уларнинг зўравонлик саҳналари акс этган компьютер ўйинлари таъсирига берилганлиги ҳам жиноятчиликнинг кескин



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАБУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҲАМДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ТУФАЙЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМЖЛАРИ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ НАФАҚАТ ҚИЁФАСИ, БАЛКИ УЛАРДАГИ ШАРТ-ШАРОИТ, МОДИЙ-ТЕХНИК БАЗА ҲАМ МУСТАҲКАМЛАНДИ.

ортишига олиб келмоқда. Францияда юқори синф ўқувчиларининг 6 фоизи мунтазам равишда гиёхванд модда, 13 фоизи эса спиртли ичимликлар истеъмол қилишини ҳам тахлилчилар оғриқли муаммо сифатида тилга олмоқдалар. Бундан-да аянчлиси, кўчаларда одамлар кўнглига гулгула солувчи тури гуруҳлар пайдо бўлмоқда. Еврокомиссия ҳисоботига кўра, ҳозирги кунда Европа давлатларидаги ўқувчиларнинг 25 фоизини ўқиниш ва ёзини катта қийинчиликларга дуч келмоқда. 2000 йилда эса бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил этган эди. Мутасаддилар вазиятни ўнгириш учун таълим соҳасига кўплаб иқтисодий сармагон киритилиши керак, деб ҳисобламоқдалар. Аммо маориф вақиллари ёш авлод тарбиясини назорат қилишни миллионлаб маблағ харҷлаш билан эмас, балки, энг аввало, оиладан бошлаш ва ўз навбатида мактаб ва оила ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилиши лозимлигини таъкидлашяпти.

Жаҳонга кўплаб истеъод соҳибларини туҳфа этган Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотлар натижасида аксар бошланғич мактаб битирувчилари ёзини ва ўқиниш деярли беҳабар эканини аниқланганига ҳам ишонини қийин. Мазкур муаммо айниқса муҳтож оилаларда кўза ташланыпти. Мамлакатнинг ижтимоий соҳага сарфлаётган харажатларни қисқартириш борасидаги сиёсати натижасида болалар ҳатто кутубхонага бориб, бепул китоб олиш имконидан ҳам маҳрум бўлмоқдалар. Бошланғич таълимни тугатган ҳар тўртинчи боланинг саводи паст, ҳар бешинчи бола эса умуман саводсиз. Ҳар учинчи боланинг бирорта шахсий китоби йўқ. Лекин қизиқки, болаларнинг 85 фоизиди ўйнаш учун компьютерлар бор.

Ҳатто Евроиттифоқнинг иқтисодий локомотиви, деярли таърифланаётган Германияда ҳам саводсизлар сони 7,5 млн. нафарга етгани айтилмоқда. Бир қарашда бунга ишонини қийин. Аммо муаммо фақат саводсизлик даражасида эмас, балки маънавиятнинг сустлашаётгани ҳамдир. Шу боис мамлакат

парламенти депутатлари мактабни нафақат таълим, балки тарбия масканига айлантириш учун ҳам таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва аҳилликни шакллантириш, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга чақирган эдилар. Ҳўри, айти пайтда маънавийат маскани ҳисобланган мактабларда янги таълим усули жорий этилаётган. Бундан ташқари саводсизликка қарши кураш кампанияси доирасида машҳур ёзувчилар, кўшиқчи ва кино-олдузлар мактабларга бориб, ўқитувчиларнинг кўлидан келмаган ишни амалга оширишга — болаларда ўқиниш қизиқишини кучайтиришга уринмоқдалар. Бироқ бу ерда асосий иллат ўқитувчиларда эмас, балки оилаларда эканлиги қайта ва қайта тилга олинаёпти.

Яна бир фикр: кейинги пайтда эълон қилинаётган маълумотларга қараганда, дунёда ёшларнинг ҳар саккиз нафаридан биттаси ишсиздир. Жаҳон аҳолисининг тахминан ярми камларомад ишда меҳнат қилиб, камбағаллик остонасидан ўта олмаёпти. Иқтисодий инқироз асоратлари тўлиқ ўтиб кетмаган ҳозирги пайтда ёшлар орасида ўз касбининг мукамал эгаси бўлган мутахассислар етишмовчилиги катта йўқотишларга олиб келаётган. Таниқли илм-маърифат намояндалари эса ёшлар муносиб иш топиши учун уларга бошланғич ва ўрта мактабда сифатли таълим бериш шартлигини, бусиз вазият ўзгармаслигини таъкидламоқдалар. Аммо бу ҳам яқин йиллар ичида амалга ошиши амри маҳол бўлган масаладир.

Ана шундай бир шароитда Бутунжаҳон саводхонлик жамғармаси 2015 йилгача умумий бошланғич таълимни таъминлаш учун йилига қўшимча 16 миллиард АҚШ доллари талаб этилиши тўғрисида бонг ура бошлади. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида билим беришни қоплашга эса яна 8 миллиард доллар лозим. Мутахассислар ушбу маблағни фақатгина моддий қўмак оқимини ўзлаш-

тириш йўли билан олиш мумкинлигини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, маалаки ишчи кучидан энг кўп манфаатдор бўлган хусусий сектор вақилларини айнан бошланғич таълимни ривожлантиришга жалб этиш яқини самара бериши мумкин. Лекин хусусий секторнинг ёрдами кўпинча давлат таълим соҳасининг устувор йўналишларига эмас, балки корхоналарнинг бизнес фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи олий таълим соҳасига қаратилмоқда. Бу эса ҳозирча ўзини оқламаёпти.

Дунёнинг бошқа давлатлари билан таққослаганда Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига давлат даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларнинг жараҳатдор андозаларига мувофиқ билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камолга етиши, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Таълим-тарбия соҳасида узқини кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ёшларнинг нафақат билим олиши, балки уларнинг маънавий етуқлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш керак.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил таъбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицей ва

касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртини бошланғич таълим шарт-шароит, моддий-техник база ҳам мустаҳкамланди. Таълим сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим олишга қўшма қўлини қўшиб, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишларида муҳим омили бўлмоқда.

Олий таълим тизимида ҳам кенг миқёсдаги ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда у бакалаврият ва магистратуралдан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади. Ҳозирда мамлакатимизда 59 та олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртини 11 та худудий филиали ва хорижий етакчи олий ўқув юртини 6 та филиали фаолият қўрсатмоқда. Шунингдек, ҳар бир вилоятда худудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрлаётган университет ва бир қатор ихтисослаштирилган институтлар ҳам мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, глобаллашув жараёниларидан дораманг бўлишга эришиш учун ҳар томонлама етук, саводли, билимли ва энг муҳими — маънавий баркамол ёшларга эҳтиёж сезилмоқда. Чунки ҳар бир мамлакатнинг эртанги кунини малаки қалдрарсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Воқеалар, галлимар, шарҳлар

СМС-РЕКЛАМАДАН ҲИМОЯ



Россия Давлат Думасига уяли алоқадан фойдаланувчиларни СМС-рекламалардан ҳимоя қилишни кўзда тутувчи қонун лойиҳаси киритилди. Мазкур қонун кучга кирса, ҳар бир мижоз ўз рақамини махсус «Безовта қилинмасин» рўйхатига қўшиб, телефонни керасиз маълумотлардан ҳалос қилиши мумкин бўлади. Лойиҳа муаллифи — «Единая Россия» фракцияси депутати Илья Костуновнинг таъкидлашича, қонунни бузган реклама берувчи оддий фуқаро бўлса, 2,5 минг рубль, мутасадди шахс 4 мингдан 20 минг рублгача ва юридик шахс бўлса 100 мингдан 500 минг рублгача жаримага тортилиши мумкин.

ЖАНУБИЙ ВА ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ЯҚИНЛАШМОҚДА



Маълумотларга қараганда, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси беш ойлик танаффусдан сўнг Кэсон санаот худуди фаолиятини қайта тиклади. Шимолий Кореянинг махсус маъмурий минтақасида жойлашган ушбу қўшма санаот мажмуига Сеулдан 800 дан ортиқ ишчи ва тадбиркор қайтиб келадиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз: жорий йилнинг апрель ойида Шимолий Корея ҳукумати Кэсон санаот худудини Жанубий Корея учун ёпиқ деб эълон қилганда Шимолий Кореянинг 53 мингдан ортиқ ходими ҳам ишсиз қолган ва Жанубий Кореянинг мингга яқин ишчиси санаот худудини тарк этган эди.

Кэсон санаот худудиди Жанубий Кореянинг 120 га яқин корхонаси жойлашган бўлиб, худуд фаолиятини тиклаш ташаббуси Сеулдан чиқди. Таъкидлаш лозимки, бу Сеулнинг иккинчи мурожаати бўлиб, биринчи давлатга уч ҳафта аввал рад жавоби берилган эди. Бироқ иккинчи мурожаатдан кейинги узоқ ва атрофлича музокаралар ижобий самара берди.

ҲУКУМАТ МУЗОКАРАГА ЧИҚСИН



Грецияда ўқитувчилар беш кунлик оммавий норозилик намойишини ўтказдилар. Улар оммавий равишда ишдан бўшатишлар ва бошқа ишга ўтказишларга қарши акцияларини билдирмоқдалар. Намойишнинг учинчи куниди уларга университет ўқитувчилари, шифокорлар ва ҳуқуқшунослар ҳам қўшилишди. Маъмурий ислоҳот вазирлиги биноси олдида йиғилганлар ҳукуматдан касабга уюшмалари вакиллари билан музокаралар олиб боришни талаб этишмоқда. Маълумки, оммавий равишда иш ўрни қисқартирилиши шартини Грецияга қарийб 240 миллиард еврога тенг халқаро қарз тақдим этган кредиторлар қўйганлар. Иқтисодчиларнинг фикрича, молиявий инқироз исканжасидан чиқиши учун Грецияга яна 10 миллиард еврога яқин маблағ керак бўлади.

МИГРАНТЛАР СОНИ БЎЙИЧА КИМ РЕКОРДЧИ?



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2013 йилга оид халқаро миграция тўғрисидаги маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 3,2 фоизи ўз ватанида яшамас экан. Кўчманчиларнинг катта қисми 20 дан 64 ёшгача экани хабар қилинмоқда. Уларнинг 48 фоизини эса аёллар ташкил этади. Ахборотда энг йирик диаспораларни Осиё ва Лотин Америкасидан чиққан фуқаролар ташкил этиши маълум қилинган.

Мигрантларнинг деярли ярми асосан ўрта мамлакатда жамлангани таъкидланыпти. Улар ичида АҚШ етакчи ҳисобланади: бу ерда 45,8 миллион хорижлик ишлаб, истикомат қилади. Уларнинг қарийб 23 миллиони Қўшма Штатларга 1990 ва 2013 йиллар оралиғида, йилига

тахминан бир миллион нафардан кириб келган, дея қайд этилди БМТ. Россия мигрантлар сони бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Бу ерда 11 миллион хорижлик истикомат қилади. Ундан кейин Германия (9,8 млн.), Саудия Арабистони (9,1 млн.), Бирлашган Араб Амириклари ва Буюк Британия (7,8 млн.), Франция (7,4 млн.), Канада (7,3 млн.) ҳамда Австралия ва Испания (6,5 млн.) давлатлари қайд этилган.

Гулноза МУХИДДИНОВА тайёрлади.

XXI ASR
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА
ОБУНА бўлинг!
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

ХАБАРЛАР

**ГАНДБОЛЧИ
ҚИЗЛАРИМИЗ 2014
ЙИЛГИ ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИГА
БОРИШАДИ**

Таиланд пойтахти — Бангкок шаҳрида гандбол бўйича қизлар (U-17) ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати якунида кучли тўртлиқдан ўрин олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси келаси йил Македонияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Китаянинг энг кучли етти жамоаси — Жанубий Корея, Япония, Хитой, Қозғистон, Таиланд, Эрон ва Ўзбекистон терма жамоалари иштирок этган турнирда Владимир Коноплев мурраббийлигидаги қизларимиз эронлик ва хитойлик тенгдошлари устидан зафар кучиб, қолган учрашувларда имкониятни бой берган бўлсалар-да, худди шундай натижани қайд этган Таиланд ва Хитой терма жамоаларини тўғрив нисбати бўйича оғирда қолдиришга эришдилар.

Халқаро гандбол федерациясининг регламентига кўра Македонияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида Осиё китъаси шарафини тўртта терма жамоа ҳимоя қилади. Шу тарихда гандболчи қизларимиз Жанубий Корея, Япония ва Қозғистон терма жамоалари вакиллари каторида жаҳон чемпионатида қатнашадиган бўдилар.

Ш.Хужаев.

**СПОРТ ФИЛЬМЛАРИ
НАМОЙИШИ
БОШЛАНДИ**

Тошкентда «Спорт кино ва телевидениеда» VIII халқаро саралаш фестивали бошланди. Мазкур фестиваль Ўзбекистон спорт кинеси ва телевидениеси федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағмармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва самараларини санъат воситасида ёритишда мазкур халқаро фестиваль ҳам муҳим ўрин тутгани таъкидланди.

Юртимизда маданият, санъат ва спорт соҳаларида халқаро фестиваллар, кўрғазмалар ва нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилаётган. 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган аниънавий «Спорт кино ва телевидениеда» халқаро саралаш фестивали мамлакатимиз спорт салохиятини, соҳа рисоли йўлида яратилётган кенг имкониятлар, спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришяётган ютуқларини дунёга намойиш этишга хизмат қилмоқда.

Халқаро спорт кинеси ва телевидениеси федерациясига бугунги кунда дунёнинг юздан зиёд давлати аъзо. «Спорт кино ва телевидениеда» халқаро саралаш фестиваллари дунёнинг 14 шаҳрида ўтказилади. Мазкур саралаш фестивалларида юқори ўринларни эгаллаб, ғолиб чиққан кино ва телевидение маҳсулотлари жорий йилнинг декабрь ойида Миланда ўтадиган Бутунжаҳон «Sport movies & TV» фестивалига тақдим этилади.

«Олимпия шон-шухрати» музейида ўтказилаётган фестивалда Германия, Франция, Португалия, Беларусь, Латвия, Грузия, Эрон каби ўнга яқин давлат ижодкорлари томонидан суратта олинган уттизга яқин фильм тақдим этилган.

Фестивалда Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси «Спорт» телеканали, «Ўзбектеlevision» давлат унитар корхонаси, «Ўзбекистон» Миллий агентлиги, нодавлат телеканал ва киностудияларнинг юртинми спорт жаҳида жиква қилувчи ҳужжатли фильмлари, телевизион очерк, ихтимоний ролик ва репортажлари намойиш этилмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.

**ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !
«АСАКА» БАНК ОАЖ**

қуйидаги мuddатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада
«МУСТАҚИЛЛИК—2013»
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади;

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Омонатнинг сақланиш мuddати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади;

хорижий валютада
«ИШОНЧЛИ» (АҚШ доллариди)
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.
Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун
«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармонингизнинг сақланиши ва қўлайлигини кафолатлайди!

Хизматлар лисензияланган!

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **19-26 сентябрь** кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан **7-12 м/с** тезлида эсади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳарорат кечаси **12-17**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси **12-17**, кундузи **28-33** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **15-20**, кундузи **32-37** даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан **5-10 м/с** тезлида эсади. Термометр миллари кечаси **12-17**, кундузи **28-33** даража иссиқ бўлишини кўрсатади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳам ҳарорат кечаси **12-17**, кундузи **28-33** даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси **8-13** даража илик, кундузи **20-25** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.



Футбол



**ЎСМИРЛАР
БИРИНЧИЛИГИ**

Наманган шаҳрида 1998 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бошланди. Унда Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг терма жамоалари ғолиблик учун ўзаро курашмоқда. «Навбахор-Умид» болалар ва ўсмирлар футбол мактаби стадионида бошланган чемпионатнинг биринчи кунда Хоразм-Қашқадарё жамоаларининг учрашуви 1:1 ва Наманган-Бухоро ўсмирларининг баҳси 1:0 ҳисобидаги натижа билан якунланди. Мусобақалар 22 сентябргача давом этади. А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири.

**БУ АЯНБ
ДУНЁ!**

Вояга етган одам танасидаги асаб тоғаларининг умумий узунлиги 75 километрга етади. Инсон — тўри чирик торга оладиган ягона жонзот. Ҳар бир одам териси юзасида кун кечирадиган тирик организмларнинг сони Ер қуралида яшайдиган кишилар сонидан ҳам кўпроқдир. Эраклар соқоли ўртача 10-15 мингта тўқдан иборат бўлиб, у йилга 14 сантиметргача ўсиши мумкин. Ошқозон ҳар икки ҳафтада янги ички қобикни барпо этади. Агар бу жараён амалга ошмаса, ошқозон ўзини ўзи ҳазм қилиб юборади. Чақалоқ танасида 300 га яқин сунж бор. Бола улғайгач, улардан 206 таси сақланиб қолади. Эраклар «дардини ичига ютиб» юришга одатлангани боис аёлларга нисбатан кўпроқ юрак хасталиқларига учрайдилар. Кунга тахминан 23 минг марта нафас олиб, нафас чиқарамиз. Одам танасидаги энг кучли мушак — тилдир. Бир одам умри давомида тахминан 40 тонна озик-овқат истеъмол қилади. Ҳар кеча-кундузда бир киши танасидан чиққан иссиқлик 33 литр сувни қайнатишга етади.

ЛАДА БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРИ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРИ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

**«NAVOIYAZOT»
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI**

**ФИЛЬТРАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН, 100% ПАХТАДАН
ТАЙЁРЛАНГАН ГАЗЛАМАНИ СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Республикамиздаги барча
саноат корхоналари ва
ишлаб чиқарувчиларни
ҳамкорликка таклиф этамиз**

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навои-5,
Факс: (+99879) 223-75-80.
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99,
e-mail: market@navoiyazot.uz

www.navoiyazot.uz

СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-21-68, e-mail: sale@navoiyazot.uz

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар «ТОГЛАР» МЧЖнинг Тошкентдаги емборхонасида мавжуд

- Зиснавадор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Зиснавадор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальтовоз
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» ГИТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части и тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей

Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55.
e-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz